



**БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИ ЖАРАЁНЛАРИДА
ТОВАРЛАРНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
ТОВАРЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИ БЎЙИЧА КОДЛАРИНИ
БЕЛГИЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА МАВЖУД
МУАММОЛАР
(АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ МИСОЛИДА)**

Нуруллаев Дилшод Амрулло ўғли

Бухоро вилояти божхона бошкармаси “Бухоро аэропорти” чегара
божхона пости инспектори божхона хизмати катта лейтенанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7313613>

ARTICLE INFO

Received: 27th October 2022
Accepted: 09th November 2022
Online: 11th November 2022

KEY WORDS

ТИФ ТН, тузилиши,
органолептик, физик-
кимёвий

ABSTRACT

Халқаро иқтисодий муносабатларда ва божхона амалиётида экспорт-импорт қилинадиган барча товарларнинг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича код рақамларини тўғри аниқлаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Халқаро иқтисодий муносабатларда ва божхона амалиётида экспорт-импорт қилинадиган барча товарларнинг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича код рақамларини тўғри аниқлаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Товарларни ТИФ ТН код рақамларини божхона экспертизаси орқали таҳлил қилиш натижасида, уларнинг кимёвий таркиблари, тузилиши, органолептик, физик-кимёвий ва бошқа кўрсаткичлари ҳамда товарларни ишлаб чиқариш жараёнларига доир муҳим маълумотларга эга бўлинади. Бу, ўз навбатида, товарларни тўғри номлаш, иқтисодий муносабатларда рўй бериши мумкин бўлган бир қатор жиноятларнинг олдини олиш ва ниҳоят истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини беради.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатурасининг 2017 йил таҳририни жорий этиш тўғрисида” 2017 йил 28 декабрдаги ПҚ-3448-сон қарори билан Уйғунлаштирилган тизимнинг 2017 йилги шаклига асосланган, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг ТИФ ТН (2017 йил таҳрири) амалиётга 2018 йил 1 январдан жорий этилди. Лекин, ҳанузгача айрим товарларнинг ТИФ ТН кодларини белгилаш амалиёти билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолмоқда. Ушбу мақолада автотранспорт воситаларининг ТИФ ТН кодларини белгилашдаги айним масалалар тўғрисида сўз юритилади.

Асосий қисм



а) товарларнинг ТИФ ТН кодларини белгилаш жараёнлари

Божхона расмийлаштируви ва боғхона назоратининг объектларини ТИФ ТН асосида таснифлаш муаммолари катта аҳамиятга эга бўлиб, товар кодининг тўғри аниқланиши нафақат боғхона қонунчилигининг амал қилишини, балки биринчи навбатда, ҳисобланадиган ва ундириладиган боғ тўловларининг миқдорига ҳам таъсир кўрсатади.

Товарнинг ТИФ ТН коди гуруҳлар, позициялари, субпозициялари ва подсубпозицияларидан иборат бўлиб, уларнинг тузилишида ҳар бир гуруҳда, белгилар ўз изчиллигида қўлланилади. Уларни аниқлашда товарнинг 5 та асосий хусусиятлари инобатга олинади, жумладан:

- товарга ишлов бериш даражаси, унинг кимёвий таркиби;
- товарнинг вазифаси, материал тури;
- товарнинг нархи;
- товар компонентларининг миқдори;
- товарларнинг жаҳон савдосидаги салоҳияти, халқаро миқёсда тутган ўрни.

Халқаро амалиёт товарларнинг ТИФ ТН кодларини белгилашда Уйғунлашган тизим, яъни товарларни таснифлашнинг асосий қоидаларига таянади. Ушбу қоидалар товарларнинг ТИФ ТН кодларини Уйғунлашган тизим асосида барча боғхона органларида бир хилда талқин этилиши талаб этади. Айтиш мумкинки, Уйғунлашган тизим ТИФ ТНнинг асосини ташкил этади.

Уйғунлашган тизим бўйича товарларни таснифлашнинг **6 та** қоидаси (асосий интерпретация қоидалар) бор. Бунда, 1-

5 қоидалар билан товарлар 4 хонали рақамгача, товар позициясигача таснифланади.

Ҳар қандай товарни таснифлаш (ОПИ) қоидаларидан фойдаланишдан аввал товарларнинг қуйидаги асосий хоссаларини ўрганишдан бошланади:

- материал ёки компонентнинг характеристикаси, товарнинг вазифаси;
- товарнинг кимёвий таркиби;
- товар таркибидаги компонентларнинг миқдори;
- товарнинг қиймати, нархи;
- товарнинг ташқи савдодаги мақоми, салоҳияти

Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТНга мувофиқ товар кодини аниқлаш бўйича зиддиятли ҳолатлар ҳамда уларни ҳал этишда қийинчиликлар пайдо бўлганда, боғхона органи товар намуналарини ва керакли ҳужжатларни Жаҳон боғхона ташкилотининг Уйғунлашган тизим қўмитасига юбориши мумкин. Уйғунлашган тизим қўмитаси экспертлари мазкур товарларни таснифлаш юзасидан ўзларини тавсиялари ва фикрларини билдиради.

Боғхона экспертзасининг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТНни Жаҳон боғхона ташкилотининг Уйғунлашган тизим номенклатураси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ТИФ ТНлари билан мувофиқлаштириб бориш ҳисобланади, шунингдек экспорт ва импорт қилинаётган маҳсулотларнинг ТИФ ТНга хос халқаро код рақамларини тўғри белгиланганлигини илмий асосда, тадқиқот қилиш йўли билан назорат қилишдан иборат.

б) Боғхона расмийлаштируви жараёнларида ТИФ ТНнинг аҳамияти



Божхона инспекторлари Божхона юк декларациясида товарларни ТИФ ТН код рақамларини тўғрилигига ишонч ҳосил қилмаса ёки код рақамини аниқлашнинг иложи бўлмаса, барча турдаги товарларнинг намуналарини божхона лабораториясига ТИФ ТН код рақамини тасдиқлатиш учун юборишлари мумкин.

ТИФ ТН кодларини назорат қилиш давомида товарни нотўғри тавсифлаш, товарнинг ТИФ ТН кодини нотўғри танлаш, божхона қийматини нотўғри аниқлаш каби муаммолар юзага келиб, бунинг натижасида бож тўловларининг камайиши кузатилади. Бунга асосий сабаб:

- божхона органи ходимлари ва божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисларнинг тажрибасизлиги;
 - БЮДга келтирилган товар тўғрисидаги маълумотларнинг етишмаслиги;
 - товарларга божхона қиймати паст бўлган нотўғри кодларни аниқлаш орқали божхона чегарасидан товарларни ноқонуний олиб ўтилиши.
- Ҳозирги кунда товарларни ишлаб чиқариш технологиялари мураккаблашиб бормоқда. Табиийки, ушбу технологиялар ёрдамида турли хил, таркиби мураккаб бўлган товарлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса товарларнинг кимёвий таркибини, физик хусусиятини аниқлашда бир нечта муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, “Изделия из черных металлов без резьбы, для производства шурупа с круглой головкой” товари БЮДда товарнинг ТИФ ТН бўйича коди **731823009 (изделия без резьбы, заклепки)** билан таснифланиб божхона экспертизасига юборилган.

Лекин, ўтказилган экспертиза натижасида тақдим этилган намуна ўрганилганда улар шуруп ва винт тайёрлаш учун мўлжалланганлиги, зангламайдиган пўлат бўлмаган қора металлдан тайёрлангани ҳамда ўз шаклига кўра шуруп учун **“заготовка”** эканлиги боис, тугалланмаган товар сифатида ТИФ ТНнинг **7318155900** подсубпозициясида **(изделия, снабженные резьбой, винты с головками крестообразным шлицем)** таснифланиши маълум бўлган. Натижада, ундириламай қолган божхона тўловларининг миқдори **525 млн.** сўмни ташкил этган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, товарларни ТИФ ТН асосида таснифлашдаги асосий муаммо – уларнинг кимёвий таркибини ўрганиш ва товарларни таснифлашда Уйғунлашган тизим қоидаларини тўғри қўллашдан иборат.

в) автотранспорт воситаларининг ТИФ ТН кодларини белгилашдаги муаммолар

Божхона амалиётида автотранспорт воситалари ва уларнинг қисмларини тўғри таснифлаш, уларни тегишли мезонлар асосида ТИФ ТН кодларини аниқлашнинг долзарблиги шундаки, Ўзбекистон Республикасига автотранспорт воситалари доимий олиб кирилиб, олиб чиқилади. Бунда автотранспорт воситасининг тасниф кодини тўғри аниқлаш ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг бож-тариф ва нотариф чоратadbирларини тўғри амалга ошириш заруратини туғдиради.

Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТНга кўра, XVII бўлимнинг 87-гурухидаги, барча турдаги



автотранспорт воситаларини таснифланади. Автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувини амалга оширишимизда уларга нисбатан қўлланиладиган божхона тартиб – таомиллари божхона органларига тақдим этилган автотранспортга тегишли ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолатда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 июлдаги 197 – сонли Қарорига асосан Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар сифатида экспорт божхона юк декларацияси, товарнинг кузатув ҳужжатлари; рухсат этишни талаб қилувчи бошқа ҳужжатлар тақдим этилади. Автотранспорт воситасини божхона расмийлаштирувидан ўтказишда мазкур автотранспорт воситасининг техник паспорти, олдиди шартномаси ва келиб чиқиш сертификати керак бўлади.

Энди эса автотранспорт воситасини республикамизга импорт бўлишида тўланадиган божхона тўловларини бир нечта мисоллар кесимида кўриб ўтамиз. Масалан, Россия Федерациясидан божхона қиймати **13 000 АҚШ долларига** тенг бўлган 2018 йилда ишлаб чиқарилган **LADA VESTA** русумли енгил автомобил олиб келиняпти. Ушбу автомобилга нисбатан келиб чиқиш сертификати тақдим этилган тақдирда эркин савдо зонасини яратиш тў-рисидаги битимга мувофиқ импорт **божи 0 ставка, аксиз солиғи эса 2%** қилиб белгиланган, **ҚҚС 20%** ва **0.2 % (25 АҚШ доллардан кам эмас 3000 АҚШ доллардан кўп бўлмаган)**

божхона йиғимлари ундирилади. Буларни бирма бир ҳисолаб чиқамиз. Марказий банк томонидан белгиланган АҚШ доллар курсининг сўмдаги қиймати – 1АҚШ доллар 8460 сўм бўлган тақдирда жами **24 855 480 сўм** божхона тўловлари тўланди.

Мамлакатимизга чет давлатлардан хусусан МДХ, Яқин Шарқ мамлакатлари, шунингдек, Европа давлатларидан импорт қилинаётган автотранспорт воситаларини таснифлаш билан боғлиқ кўплаб муаммолар учраб турибди. Бу муаммолардан бири автомобилларнинг техник характеристикаси амалда атайин ўзгартирилиши ва унга тегишли ҳужжатларни ҳам тегишлича алмаштирилиши ҳисобланади.

Бундай ҳолатларда автомобилнинг техник характеристикасини аниқлаш божхона органларига бирмунча қийинчиликлар туғдиради. Юқоридаги муаммолар вужудга келганда амалий ҳамкорлик асосида муаммони ечиш мақсадида, божхона органлари томонидан автомобилларни ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш яъни маълумотлар алмашиш ушбу импорт қилинаётган автотранспортларга хос тегишли техник характеристикаларини олиш ва идентификация қилишни йўлга қўйиш лозим бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ 5388-сонли Фармонининг “6-банди” 3-қисмида импорт бўйича олиб кирилаётган, мева-сабзавот маҳсулотларини ташишга ихтисослашган транспорт воситалари



(ТИФ ТН кодлари — 870120, 870421, 870422, 871639) божхона тўловлари ва Республика йўл жамғармасига йиғимлар тўлашдан озод этилган.

Бунда келиб чиқадиган муаммо шундан иборатки, ушбу кўрсатилган имтиёзда автотранспорт воситаларига қўйилган талаблар етарли даражада бўлмаганлиги ва ишлаб чиқарилган йили инobatга олинмаганлиги сабабли илгари фойдаланишда бўлган эски автотранспорт воситалари республикамизга кириб келяпти. Ҳамда хизмат кўрсатганлик учун божхона йиғимлари назарда тутилмаган.

Бу каби муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги божхона тўловларини тўлиқ ундирилмаслиги билан боғлиқ иқтисодий таҳдидларни юзага келтиради.

Хулоса

Товарларнинг ТИФ ТН кодларини белгилаш техник жараён эмас, у илмий, назарий ва методологик билимларни талаб қилувчи мураккаб ҳодиса ҳисобланади. Бунда, ҳар бир товарнинг ўзига ҳос хусусиятларини инobatга олган ҳолда божхона тўловларини

тўғри ундирилиши айнан шу жараён билан боғлиқ эканлигини инobatга олиш лозим.

Бошқа турдаги товарлар қаторида автотранспорт воситаларининг ТИФ ТН кодларини белгилашда халқаро ва миллий қонунчилик билан белгиланган қатъий талабларга риоя қилиниши талаб этилади.

Шу ўринда, юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5388-сонли Фармонининг “6-банди” учинчи қисмини қуйидагича тахрир этилиши таклиф этилади:

“импорт бўйича олиб кириладиган, мева-сабзавот маҳсулотларини ташишга ихтисослашган транспорт воситалари ишлаб чиқарилганига 3 йилдан ошмаган ва илгари эксплуатацияда бўлмаган (ТИФ ТН кодлари 870120, 870421, 870422, 871639) божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлари бундан мустасно) ва Республика йўл жамғармасига йиғимлар тўлашдан озод этилсин.”